



**ХАЛҚАРО ЮК ТАШУВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРГА ОИД**
(БОЖХОНА НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ, ЮКЛАРНИ
ХАЛҚАРО ТАШИШ АТАМАЛАРИ МИСОЛИДА)

Саидов Умаржон Шухратович

Бухоро вилояти божхона бошқармаси ходими. Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси.

saidumarkhan@bk.ru

Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a48

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона тўғрисидаги қонунчилигида қўлланиладиган айрим ҳуқуқий атамаларнинг лингвистик таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, мақолада юкларни халқаро ташиш тушунчаси борасидаги айрим таҳлилий мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, халқаро ташув, халқаро транспорт логистикаси, Ўзбекистон транспорт тизими, тизимли ишлар, доимий ишлар, божхона назорати шакллари, божхона назорати объекти.

Аннотация

Данная статья посвящена лингвистическому анализу некоторых юридических терминов, используемых в таможенном законодательстве Республики Узбекистан. Также в статье приведены некоторые аналитические соображения по понятию международных грузоперевозок.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, международные перевозки, международная транспортная логистика, транспортная система Узбекистана, системные работы, постоянные работы, формы таможенного контроля, объект таможенного контроля.

Abstract

This article is devoted to the linguistic analysis of some legal terms used in the customs legislation of the Republic of Uzbekistan. The article also provides some analytical considerations on the concept of international cargo transportation.

Key words: Republic of Uzbekistan, international transportation, international transport logistics, transport system of Republic of Uzbekistan, system work, permanent job, forms of customs control, objects of customs control.

Кириш

Айни кунлардаги дунёнинг турли геосиёсий минтақаларида юз бераётган таҳликали можаролар фонида мамлакатлараро товар ва хизматларни тўсиқларсиз ҳамда тезкор ҳаркатланиши ҳар қачонгидан ҳам долзарблигича қолмоқда.

Шундай экан, бу борада халқаро транспорт логистикасининг рақамлаштириш орқали миллий маҳсулотларни дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда худди

шундай хорижий турдош товарларга рақобатбардошлигини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги **“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги Фармонининг 26-, 28-, 29-, 36-, 95- ва 96- мақсадларида ҳам бу борада божхона тартиботлари ҳамда транспорт-логистика соҳасида асосий йўналишлар белгилаб олинган [1].

Шу билан бирга, 2022 йилнинг 24-26 март кунлари пойтахтда “Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми” ўтказилиши, унда мамлакат иқтисодий салоҳияти ва имкониятини яна бир бор ошириш имконияти яратилиши, мазкур анжуман якунлари бўйича 7,8 млрд долларлик аниқ инвестициявий битимлар пакети имзолангани келгусида ташқи савдони енгиллаштириш бўйича анчайин вазифалар юклатилиши билан изоҳлаш мумкин [2].

Шунингдек, 2021 йил 10 сентябрдаги **“Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги Фармонда ҳам божхона органларида фаолиятини ривожлантириш, соҳага оид тартиб-таомилларни такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграциялаш каби устувор вазифалар қўйилди.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг ташқи савдоси ҳамда давлат чегаралари орқали ҳаркатланаётган транспорт воситалари ҳам сўнгги беш йилликда ўзининг тарихий юқори кўрсаткичларига эришганини қайд этиш жоиз (*Дунёда рўй берган COVID-19 пандемиясини ҳисобга олмаганда*).

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг халқаро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг транспорт-логистика соҳасини халқаро транспорт тизимига интеграция қилиш борасида ташуббус кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75- сессиясида ўзбек тилида қилган нутқида **“БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш”** бўйича қилган таклифи халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда [4]. Мазкур ташаббусларни амалга оширишда эса миллий ҳамда минтақавий транспорт тизимидаги муаммоларни ечиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинганда, бу борада асосан МДХ давлатларининг тадқиқотчилари томонидан илмий изланишлар олиб борилганлиги аён бўлди.

Хусусан, тадқиқотчи П.Гулидовнинг фикрича божхона назорати шакллари ва усуллари синоним тушунча сифатида эътироф этишади [5].

Тадқиқотчилар В.К.Холопов, О.В.Соколова эса ўз ишларида Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи давлатларида халқаро йўлларда ташиш китобчасини (TIR CARNET) қўлланилишининг муаммоларига тўхталиб ўтиб, ушбу китобчани қўллашда билан боғлиқ тенденциялар ҳақида изланишлар олиб борган [6].

Шунингдек, бу борадаги россиялик соҳа вакиллари К.В.Холопов, А.М.Голубчиклар халқаро савдо атамаларининг нотўғри талқин қилиниши, натижада эса юзага келаётган муаммолар борасида фикр юритиб, ташқи савдога алоқадор халқаро шартномаларда қўлланилган тушунчаларини таққосий жадвалини келтиришган [7].

К.А.Корняков қарашларида эса божхона масканига товар ва транспорт воситалари бўлиши билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган жараён сифатида, шунингдек, транспорт воситаларининг ҳаракатлантириб турган ҳолатдаги давлат назоратининг бир тури сифатида қайд этади [8].

А.Н.Козырин эса ўз ишларида божхона назоратини шакллари кенгайтирган ҳолда ҳужжатли, амалдаги ҳамда танлов асосидаги божхона назоратидан ўтказиш бўйича ўз изланишларини олиб борган [9].

Умуман олганда, божхона қонунчилигидаги айрим атамаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таърифлаш борасида кўпгина илмий тадқиқотчилар ўртасида ягона фикр ва ёндашув мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мавзунини тадқиқ этишда, яъни Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини автомобиль транспортида ташишни ташкил этишда атамаларнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш мақсадида тушунчаларни ўзаро солиштириш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, диаграммалар маълумотлар таҳлили ҳамда формал мантиқнинг тушунчаларни таснифлаш методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки мамлакат ташқи савдосини диверсификация қилишда Ўзбекистон ташқи савдосидаги асосий ҳамкор давлат билан ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ўзининг янги босқичига ўтмоқда.

Натижада эса халқаро транспорт логистикасидаги тартиботларни қайта кўриб чиқиш, қонунчиликда белгиланган айрим ҳуқуқий тушунчаларни (атамалар) илмий жиҳатдан ўрганиб, уларни ўз маъносида ва ҳамма учун тушунарли ихчам ҳолига келтириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада божхона ишига оид асосий қонунчилик ҳужжати бўлган “Божхона кодекси” ҳам бир қатор ҳуқуқий тушунчаларнинг мукамал эмаслиги, уларни қўллашда ўзбек тилининг этимологик ва лексикографик хусусиятларни эътиборга олинмаганлигини кўриш мумкин. Жумладан:

I. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида “Божхона назорати” тушунчасининг мукамал эмаслиги.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида ушбу соҳа вазифаларини тўлақонли ҳамда сифатли амалга оширишда хизмат қилувчи асосий тушунчалардан бири, “Божхона назорати” тушунчаси берилган бўлсада (21- модда) ҳуқуқий жиҳатдан бир хил маънодош сўзларни такрорийлигини кўриш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистоннинг амалдаги божхона кодексида мувофиқ божхона назоратининг предмети, божхона назорати шакллари ҳамда зонаси каби тушунчаларга ҳуқуқий тариф берилган бўлсада, асосий атаманинг (божхона назорати) мукамаллаштиришга бўлган заруратни юзага келтирмоқда.

Шунингдек, ушбу тушунча божхона кодексида, “божхона назорати Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.”(27 та сўз) тарзида баён этилган. Бу борада хорижий давлатларнинг божхона ишига доир асосий ҳужжатлари ўрганилганда уларнинг аксариятида божхона назорати тушунчасининг мавжудлигини билиш мумкин. Хусусан, қуйидаги жадвал орқали тушунчага ҳуқуқий таърифларнинг таққосий рўйхати келтирилган [10].

Қуйидаги дефинициялардан маълум бўладики, божхона назорати тушунчаси дунёдаги аксарият давлатларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда давлатлараро бирлашма (ташкilotлар ўртасида тузилган ҳужжатлар) ҳамда миллий қонунчилик тизимида қабул қилинган.

Давлатларнинг божхона қонунчилигида "Божхона назорати" тушунчасига берилган таърифлар

№	Давлат ва ҳужжат номи	Божхона назорати тушунчасига берилган ҳуқуқий таърифлар.
1.	Евроосий Иқтисодий Ҳамжамияти Божхона кодекси (11.04.2017 йилда қабул қилинган Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Белоруссия, Арманистон давлатлари учун)	- Аъзо давлатларнинг қонунчилиги ҳамда божхона тартиботлари тўғрисидаги ҳужжатлар ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш ва (ёки) текширишга қаратилган божхона органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси.
2.	Европа Иттифоқининг Божхона кодекси асосан (12.10.1992 йилда қабул қилинган. Бугунги кунда 27 та аъзо давлатда амалда)	- божхона тўғрисидаги қоидалар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан бажариладиган аниқ хатти-ҳаракатларни англатиб, унда Иттифоқ ҳудудида ва учинчи давлатлар божхоналари ҳудудлари орасидаги товарларини олиб кириш, олиб чиқиш, транзит олиб ўтиш ҳамда уларни охириги фойдаланиш учун ўтказиш тушунилади.
3.	Туркия Республикасининг "Божхона қонунда" (Амалдагиси 27.10.1999 йилдаги 248 моддадан иборат 4458 рақамли қонунда)	Божхона назорати тушунчаси божхона қонунчилигини ҳамда зарур бўлганда божхона назорати остидаги товарларга нисбатан қўлланиладиган бошқа қоидаларга риоя этилишини таъминлаш учун божхона маъмурияти томонидан қўлланиладиган процедуралардир (3-моддаси Қонундаги тушунчалар).
4.	Озарбайжон Республикасининг Божхона кодексида (Амалдагиси 2001 йил 24 июнда қабул қилинган 334 моддадан иборат.)	Божхона назорати божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг риоя этилишини таъминлаш борасидан тадбирлар мажмуи (1- модда асосий қоидалар).

Умуман олганда бу борада формал мантиқнинг қонуниятларига кўра тушунча дейилганда ҳодиса ва нарса (*объектларнинг*) умумий, муҳим ва ўзаро боғлиқ белгиларини ўзида акс эттирувчи тафаккур шакли сифатида кўриш мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган "божхона назорати" тушунчасининг:

Божхона назорати тушунчаси белгиларининг таснифи


Умумий белгилари	
1.	ҳуқуқий тушунча сифатида эътироф этилади.
2.	давлат органлари назоратининг бир кўриниши.
3.	божхона ишига дахлдор эканлиги.
4.	фақатгина божхона органларининг ўз ваколатлари ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга ошириш доирасида қўлланилиши.
Муҳим белгилари	
1.	божхона назорати жараёнида давлат чегаралари орқали ноқонуний буюмларни олиб ўтилишини олдини олишга қаратилганлиги.
2.	уни фақатгина бир давлат ҳудуди доирасида ҳамда бир хил йўсинда амалга оширилиши.
3.	божхона назоратини амалга ошириш жараёнида изчиллиги ҳамда узлуксизлиги.
4.	божхона назорати жараёнида давлат чегаралари орқали ноқонуний буюмларни олиб ўтилишини олдини олишга қаратилганлиги.
Ўзаро боғлиқлик белгилари:	

1.	давлат хавфсизлиги билан.
2.	божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлар билан.
3.	божхона ходимининг бевосита иштирок этиши ҳамда унинг маълум бир жисмоний ва ақлий ҳаракатларни амалга ошириши билан.

Манба: Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.


Юқоридаги давлатларнинг божхона қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий таърифлардан билиш мумкинки, божхона назоратини амалга оширишда асосий уч муҳим белгиларида кўриш мумкин. Жумладан, **1.** божхона тўғрисидаги қонун-қоидалар; **2.** божхона органлари; **3.** қонун-қоидаларга риоя этилиши бўйича қилинадиган хати-ҳаракатлар (тадбирлар).

Умуман олганда мазкур сўз бирикмасини ўз ичига олган муҳим белгиларини тушунчалар бўлиш қоидасига мувофиқ Эйлер доиралари мисолида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.



Ушбу шаклда: А – Божхона назорати;
 В - божхона тўғрисидаги қонун-қоидалар.
 С – божхона органлари.
 D – қонун-қоидаларга риоя этилиши бўйича қилинадиган тадбирлар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда халқаро шартномалар борасида ҳам айрим мулоҳазалар юритиш лозим. Хусусан, ҳуқуқий жиҳатдан халқаро шартномаларни икки турга бўлиш мумкин. Бунда Ўзбекистон учун мажбурий кучга эга бўлган ҳамда мажбурий кучга эга бўлмаган халқаро шартномалар. Шунда Ўзбекистон ҳудудига ижро этилиши мажбурий бўлган халқаро шартномалар норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларининг (*Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон, қарорлари ваҳоказо*) бир кўринишида қабул қилинади. Мазкур фикрни Эйлер доираларида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.



қарорлари.


А – Ўз. Рес. Қонунчилик тизими
 Б – божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;
 В – Ўз. Рес. Қонунлари;
 Г – Ўз.Рес. Олий Мажлиси палаталари қарорлари;
 Д – Ўз.Рес. Президенти қарор ва фармонлари;
 Е – Ўз. Рес. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
 Ф - вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлар;
 И - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.
 Ё – Ўз.Рес. учун мажбурий кучга эга бўлган халқаро шартномалар

Бу борада тушунча ҳақида кўриб чиқилган амаллардан билиш мумкинки **божхона ишининг асосий категорияси** сифатида “божхона назорати” атамаси эканлиги аён бўлмоқда. Шундай экан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Божхона кодекси”да мазкур дефиницияни асосий тушунчалар сифатида белгилаб қўйиш зарурати юзага келмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда божхона тўғрисидаги халқаро шартномаларни Ўзбекистон миллий қонунчилик тизимига имплементация қилиш масалаларини зарурий масалалардан бири эканлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, ушбу мавзу доирасида ўрганилаётган яъни, “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга” нинг бош иловаси иккинчи бўлимидаги “божхона назорати” тушунчаси аниқ ва содда услубда баён этилган.

(Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга 2020 йил 21 декабрь куни “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул килинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” Қонуни билан қўшилган)



Ушбу шаклда: А – Божхона назорати;
В - божхона тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги.
С – божхона органлари.
D – қонун-қоидаларга риоя этилиши бўйича қилинадиган тадбирлар.
Е – Хавфни бошқариш тизими

Хусусан, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, амалдаги божхона кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, “божхона назорати” тушунчасини қуйидани таҳрирда киритиб, **“хавфни бошқариш”** ҳуқуқий истиҳоласига эса қуйидаги баён этиш. Чунончи:

1. **“божхона назорати** – божхона тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш орқали амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи” (21 та сўз, амалдаги таърифда эса 27 та сўздан иборат).

2. Божхона назорати тушунчасини амалдаги тартибга мувофиқ Божхона кодексининг асосий тушунчалар моддасига қўшиб қўйиш.

II. “Божхона назорати”ни амалга ошириш шаклими ёки усули?

Айни кунларда Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ ижодкорлиги борасида муайян ишлар амалга оширилиб, айниқса ҳуқуқ тармоқлари орасида тушунча ёки атамаларни қўллашда илмий ёндашув асосида ўрганиб мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда тадбиқ этиш сиёсати давлат даражасига кўтарилганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, 2021 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни ва Давлат Раҳбарининг 2020 йил 20 октябрда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ – 6084 сонли Фармони доирасида Ҳукуматнинг 2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди [11].

Сирасини айтганда амалдаги асосий божхона қонунда қайд этилган **“божхона назорати шакли ҳамда божхона назорати предмети”** сўз ибораларида ҳам **“шакл”** ва **“предмет”** сўзлари ўз ўрнида қўлланилмаганлигини билиш мумкин.

Хусусан, олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки пост совет давлатлари деярли барча божхона кодексларининг расмий рус тилидаги таржимасида “форма” шакли учраса, расмий миллий тилларида эса бошқа (*Тожикистон (наъв), Туркманистон (гўрунуш - кўриниш), Қозоғистон (нисандари- нишонлари)*) сўзларни кўриш мумкин [12].

Умуман олганда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ божхона назоратининг 12 та шакли берилган бўлиб, уларнинг божхона органлари томонидан амалга оширишда асосан божхона кўриги қўлланилиб келинмоқда. Чунки, божхона чегаралари орқали товар ва транспорт воситаларининг қонуний олиб ўтилишида божхона назоратининг мазкур шакли ўзининг юқори самарасини бериб келмоқда.

Хусусан, бу борада рақамларга мурожаат қилинадиган бўлса 2020 йилда 193860 та божхона кўриги далолатномалари расмийлаштирилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 200385 тага (*3,3 % га ўсган*) етган. Ушбу рақамлар йўналишлар кесимида (*импорт, экспорт ва транзит*) таҳлил қилинганда, экспорт товарларининг божхона кўриги сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, 2020 йилда 30273 та экспорт йўналишдаги товарлари божхона кўригидан ўтказилган бўлса, 2021 йилга ушбу рақам 38651 (27 %га ўсган) тани ташкил этган [13].

Шу билан бирга барчага маълумки, божхона назорати жараён бўлиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган хатти-ҳақакатлар йиғиндиси ёки мажмуи. Унда субъект (*божхона органи*) томонидан бажарилиши лозим бўлган жараён (*божхона назорати*) жисмоний ҳамда ақлий таъсир ўтказиш орқали амалга оширилади. Формал мантиқ нуқтаи-назаридан эса божхона назорати статик (*турғун*) тушунча сифатида эмас, балки динамик (*ҳаракат ва куч таъсири остидаги жараён*) атама кўринишида тушунмоқ лозим.

Шакл сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” ҳам асосий маъноси “нарсанинг ташқи кўриниши, сирти қиёфаси, мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши”, **кўчма маъносида** эса бирор нарсанинг амалга оширилиш йўсини усули сифатида белгиланган.

Мазкур илмий луғатда **усул** сўзи эса “бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаркат тарзи, тартиби, шунингдек асосий қоидалар қонунлар” тарзида ифода этилган. Сўзнинг мазкур маъноси эса божхона назорати барча муҳим белгиларга мос тушмоқда.


Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” қонунига асосан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти” нинг умумий қоидаларига мувофиқ “эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, **сифатлашлар**, киноялар” норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лойиҳаларида қўлланилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб берилганлигини қайд этиш жоиз [14].

III. “Юкларни халқаро ташиш” тушунчасини белгилашда форс-мажор ҳолатлари инobatга олинганми?

Тўғри, деярли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “юкларни халқаро ташиш” тушунчасига маълум бир жараён сифатида таърифланиб, юк автотранспорт воситасида камида “икки давлат чегарасини кесиб ўтиш” шартлиги белгилаб қўйилган.

Хусусан, мазкур тушунчага расмий ҳуқуқий таърифлар берилган берилган бўлиб, “автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш — юк ёки йўловчиларни икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудлари бўйлаб автомобиль транспортида ташиш, шунингдек, юксиз автотранспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудуди бўйлаб ўтиши” ҳамда “юкларни халқаро ташиш — икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудлари бўйлаб автомобиль транспортида юк ташиш, шунингдек юксиз автотранспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудуди бўйлаб ўтиши” каби тарзида баён этилган [15].

Маълумки, умуман олиб қаралганда халқаро юк ташиш жараёни асосий уч ҳаракат йўналишини ўз ичига олади. Жумладан, юкларни автотранспорт воситасида экспорт, импорт ҳамда транзит йўналишларида ташишларни амалга ошириш сифатида кўриш мумкин. Мазкур тушунчани ҳам формал мантиқ қоидаларига мувофиқ Эйлер доираларида қўйидаги тасаввур қилиши мумкин.



Бунда доиранинг:

- A**- соҳаси транзит ташувлар тушунчаси;
- B**- соҳаси импорт ташувлар тушунчаси;
- C**- соҳаси экспорт ташувлар тушунчаси.

Аслида амалдаги тушунчага асосий ва муҳим белгилари сифатида “**икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудлари бўйлаб ўтиши ҳақакатланиши**” каби сўз бирикмаларига урғу берилган. Ваҳоланки ўрганишлар ҳамда мазкур жараён (*юкларни халқаро ташиш*) амалиётдаги тадқиқот кузатувлари бир қатор саволларни юзага келтирмоқда.

Мисол учун: экспорт йўналишдаги товарлар ташилаётганда амалдаги давлат чегарасини кесиб ўтмаган ҳолда енгиб бўлмас куч таъсирида йўқолиб кетди. Бошқача айтганда юкларни халқаро ташувда форс-мажор ҳолатида ўз манзилигача етиб бормаслиги амалдаги таъриф бўйича мос кела олмайди ёки мазкур ҳолатда халқаро юк ташув тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотиб, юкларни миллий даражада ташув сифатида кўриш мумкин.

Мазкур муаммога хусусий ҳолда кўриладиган бўлса тушунча борасидаги муаммо анчайин ойдинлашади.

Мисол тариқасида Тошкент шаҳридаги маълуми бир ташқи иқтисодий фаолият божхона постида Россия Федерациясига “ўсимлик ёғи” товари экспорт режимда расмийлаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикасидаги чегара божхона постига етмасдан туриб йўқолиб қолиши ёки ҳар хил мақсадларни кўзланган ҳолда “ўйинлар таъсирида” йўлда алмашиб қолиши, мазкур жараён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланиб, ҳолат халқаро юкларни ташиш сифатида қаралмаслиги бўйича тушунмовчиликларни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд.

Аслини олганда **“юкларни халқаро ташиш”** тушунчасига хос бўлган белгиларни қўйидагича таснифлаш мумкин.

Юкларни халқаро ташиш тушунчаси белгиларининг таснифи

Умумий белгилари:	
1.	ҳуқуқий тушунча сифатида эътироф этилади.
2.	давлатнинг халқаро шартномалари асосида амалга оширилиши.
3.	божхона ишига дахлдор эканлиги.
4.	юкларни барча турдаги транспортнинг воситасида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудуди бўйлаб ҳаркатланиши.
Муҳим белгилари:	
1.	давлатларнинг иқтисодий ривожлаништиришда асосий воситаси.
2.	давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.
3.	товарларни экспорт, импорт ва транзит йўналишларидан камида биттасида ташилиши.
4.	давлатнинг божхона хизматини амалга оширувчи идораси томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ ҳужжатларнинг расмийлаштирилганлиги.
5.	минтақа ёки миллий миқёсдаги транспорт тизимининг ажралмас элементи сифатида қаралади.
Ўзаро боғлиқлик белгилари:	
1.	мамлакатлар ёки минтақаларнинг ўзаро интеграцияси билан.
2.	бир неча давлат идораларининг назорат қилиниши билан.
3.	давлатларнинг махсус хизматлари(<i>разведка ва контрразведка</i>) фаолиятидаги қўшимча восита сифатида қарилиши билан ўзаро боғлиқлиги.

Манба: Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Юқорида қайд этиб ўтилган белгилардан келиб чиққан ҳолда “юкларни халқаро ташиш” тушунчасининг асосий белгиси сифатида транспорт воситасида (*авиа, авто, темир йўл ҳамда денгиз*) ташилаётган юкларга **“давлатнинг божхона хизматини амалга оширувчи идораси томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ ҳужжатларнинг расмийлаштирилганлиги”** ҳар томонлама тўлиқ ва мос келганлигини англаш мумкин.

Умуман олганда, *“юкларни халқаро ташиш – давлатнинг божхона органлари томонидан халқаро шартномаларда назарда тутилган товар кузатув ҳужжатларини божхона расмийлаштирувидан ўтгазгандан сўнг транспорт воситаларининг ҳаракатланиши”* ёки мазкур дефениция қисқартирилганда *“юкларни халқаро ташиш – божхона органлари томонидан рухсат берилгандан сўнг юкли ёки юксиз транспорт воситаларини ҳаракатланиш жараёни”*.

Мазкур таҳлилий маълумотномадан **хулоса** қилиш мумкинки, бугунги кунда божхона ишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилиб келинаётган соҳага оид ҳуқуқий тушунчаларга илмий нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга зарурат туғилмоқда.

Истиқболда эса божхона тизими Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар замирида илмий тадқиқотлар ҳамда изланишлар олиб бориш ҳар қачонгидан ҳам долзарблигича қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидаги таклифлар берилади:

1. Ўзбекистон Республикаси амалдаги “Божхона кодекси”ни лингвистик экспертизадан ўтказиш.
2. “Божхона назорати шакллари” тушунчасини “Божхона назорати усуллари”га ўзгартириш масаласини яна бир бор кўриб чиқиш.
3. “Халқаро юк ташувлар” тушунчасини “юкларни халқаро ташиш – божхона органлари томонидан рухсат берилгандан сўнг юкли ёки юксиз транспорт воситаларини ҳаракатланиш жараёни” сифатида белгилаш.
4. Амалдаги божхона кодексига мувофиқ “божхона назорати предмети” сўз бирикмасини “божхона назорати объекти”га алмаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси -Т.: 2022 йил.
2. Тошкент халқаро инвестиция форумининг яқунлари // <https://mift.uz/uz/news/toshkent-halqaro-investitsiya-forumining-jakunlari>
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ҳамда божхона қўмиталарининг маълумотлари асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
5. Гулидов П. Таможенные проверки. Виды и методы контроля // Современный предприниматель. 2008. №10 // Справочно-правовая система «Консультант плюс».
6. В.К.Холопов, О.В.Соколова. Использование системы МДП во внешней торговле ЕАЭС // Российский внешнеэкономический вестник. 2018 г. №8. С.84-96.
7. К.В.Холопов, А.М.Голубчик. Нестандартные аспекты применения Инкотермс и направления дальнейшей унификации международных торговых обычаев // Российский внешнеэкономический вестник. 2016 г. №6. С. 110-118
8. Корняков К.А. О некоторых теоретических вопросах проведения таможенного контроля на единой таможенной территории Таможенного союза // Таможенное дело. 2009. №4. С. 8-13.
9. Козырин А.Н. Правовые основы таможенного контроля (Начало) // Налоговой вестник. 2002. №4 // Справочно-правовая система «Консультант плюс».
10. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=1068 // Законодательство стран СНГ.
11. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси -Т.: 2022 йил.
12. Türkmenistanyň gümrük kodeksi // <https://www.customs.gov.tm/tk/laws/tamozhennyu-kodeks-turkmenistana>; Кодекси гүмруки Чумхурии Тоҷикистон // <https://gumruk.tj/index.php/2018-06-12>; Қазақстан республикасының кодексі // <https://kgd.gov.kz/kk/content/kr-keden-isi-turaly-kr-kodeksi>.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маълумотлари асосида.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 5 томлик. Т.:2020 й.
15. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси -Т.: 2022 йил.